

Тазкия дарслари (60-дарс). Диндаги ғулув — тасаввуфни шариатдан устин қўйиш



15:30 / 23.11.2019 4663

Тариқатларнинг ва шайхлик даъвосини қилувчи шахсларнинг тўғри йўлда эканлигини аниқлаш учун уларнинг шариатга, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатган йўлга нечоғлик мос эканликларини солиштириш кифоя қилади.

Зеро, тасаввуфга оид барча нарсаларни азизларимиздан эшитганимиз ёки кўрганимиз тарзида эмас, азизларимиз каби Қуръон ва Суннатни асос қилиб олиб, илмий равишда ўрганиб, йўлга қўйишимиз лозим. Буларнинг барчаси ҳаммамизнинг иттифоқ бўлиб ҳаракат қилишимиз орқали юзага чиқиши мумкин.

Ана шундагина Ислоннинг руҳий тарбия қисми бўлган тасаввуф ихтилофга эмас, иттифоққа сабаб бўлади.

Ана шундагина Ислоннинг руҳий тарбия қисми бўлган тасаввуф жаҳолатга эмас, маърифатга сабаб бўлади.

Ана шундагина Ислоннинг руҳий тарбия қисми бўлган тасаввуф қолоқликка эмас, тараққиётга сабаб бўлади.

Ана шундагина Ислоннинг руҳий тарбия қисми бўлган тасаввуф жанжалга эмас, тинчликка сабаб бўлади.

Ана шундагина Ислоннинг руҳий тарбия қисми бўлган тасаввуф тафриқага эмас, бирликка сабаб бўлади.

Аллоҳим! Ушбу ёзганларимизни мазкур эзгулик йўлидаги кичик бир қадам сифатида қабул этгин! Омин!

Аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, «Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласида учинчи жуз – «Ният, ихлос ва илм китоби», ўттиз тўртинчи жуз – «Яхшиликлар ва ахлоқ китоби», ўттиз бешинчи жуз – «Зикрлар, дуолар, истиғфор ва тавба китоби», ўттиз олтинчи жуз – «Зухд ва рақоиклар китоби», ўттиз еттинчи жуз – «Одоб китоби» ҳам айна шу мақсадга оидлиги бизни янада қувонтиради. Аллоҳ таолонинг ёрдами ила яна бошқа китоблар ва ҳаракатлар ҳам бўлиши умидидамиз. Аллоҳим, Ўзингнинг йўлингдан адаштирамагин! Омин!

«Тасаввуф ҳақида тасаввур» китобидан